



Tadqiqot **uz**

ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР МАВЗУСИДАГИ КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЛАРИ

2020

- » Хуқуқий тадқиқотлар
- » Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар
- » Тарих сағифаларидағи изланишлар
- » Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни
- » Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни
- » Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар
- » Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар
- » Маданият ва санъат соҳаларини ривожланиши
- » Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши
- » Техника ва технология соҳасидаги инновациялар
- » Физика-математика фанлари ютуқлари
- » Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар
- » Кимё фанлари ютуқлари
- » Биология ва экология соҳасидаги инновациялар
- » Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари
- » Геология-минерология соҳасидаги инновациялар



No22
30 ноябрь

conferences.uz

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
5-ҚИСМ**

**МАТЕРИАЛЫ РЕСПУБЛИКАНСКОЙ
22-МЕЖДИСЦИПЛИНАРНОЙ ДИСТАНЦИОННОЙ
ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИИ НА ТЕМУ "НАУЧНО-
ПРАКТИЧЕСКИЕ ИССЛЕДОВАНИЯ В УЗБЕКИСТАНЕ"
ЧАСТЬ-5**

**MATERIALS OF THE REPUBLICAN
22-MULTIDISCIPLINARY ONLINE DISTANCE
CONFERENCE ON "SCIENTIFIC AND PRACTICAL
RESEARCH IN UZBEKISTAN"
PART-5**

ТОШКЕНТ-2020



УУК 001 (062)
КБК 72я43

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" [Тошкент; 2020]

"Ўзбекистонда илмий-амалий тадқиқотлар" мавзусидаги республика 22-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 30 ноябрь 2020 йил. - Тошкент: Tadqiqot, 2020. - 10 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн конференция 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишлари бўйича Ҳаракатлар стратегиясида кўзда тутилган вазифа - илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишиланган.

Ушбу Республика илмий конференцияси таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илфор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари таҳлил қилинган конференцияси.

Масъул муҳаррир: Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

1.Хуқуқий тадқиқотлар йўналиши

Профессор в.б.,ю.ф.н. Юсувалиева Раҳима (Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

2.Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна(Фаргона давлат университети)

3.Тарих саҳифаларидағи изланишлар

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

4.Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманганд мухандислик-қурилиш институти)

5.Давлат бошқаруви

PhD Шакирова Шоҳида Юсуповна (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги "Оила" илмий-амалий тадқиқот маркази)

6.Журналистика

Тошбоева Барнохон Одилжоновна(Андижон давлат университети)

7.Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш худудий маркази)



8.Адабиёт

PhD Абдумажидова Дилдора Раҳматуллаевна (Тошкент Молия институти)

9.Иқтисодиётда инновацияларнинг тутган ўрни

Phd Воҳидова Меҳри Ҳасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

10.Педагогика ва психология соҳаларидағи инновациялар

Турсунназарова Эльвира Тахировна (Навоий вилоят ҳалқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)

11.Жисмоний тарбия ва спорт

Усмонова Дилфузахон Иброҳимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши

Бобоҳонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

14.Тасвирий санъат ва дизайн

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

15.Мусиқа ва ҳаёт

Доцент Чариеv Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар

Доцент Нормирзаев Абдуқаюм Раҳимбердиевич (Наманганд мухандислик-курилиш институти)

17.Физика-математика фанлари ютуқлари

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманганд мухандислик-технология институти)

18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар

Т.Ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

19.Фармацевтика

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

20.Ветеринария

Жалилов Фазлиддин Содиқович, фарм.ф.н., доцент, Тошкент фармацевтика институти, Дори воситаларини стандартлаштириш ва сифат менежменти кафедраси мудири

21.Кимё фанлари ютуқлари

Рахмонова Доно Қаҳхоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



22.Биология ва экология соҳасидаги инновациялар

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

23.Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари

Доцент Сувонов Боймурод Ўралович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

24.Геология-минерология соҳасидаги инновациялар

Phd доцент Қаҳҳоров Ўқтам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш мухандислари институти)

25.География

Йўлдошев Лазиз Толивович (Бухоро давлат университети)

Тўпламга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулdir.

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz

Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000

ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

1. Мустофаев Муроджон Олтибоевич ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ КЕНГАШ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ	7
--	---



ДАВЛАТ БОШҚАРУВИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ТУРКИЙ КЕНГАШ ДОИРАСИДАГИ ҲАМКОРЛИГИНИНГ ИСТИҚБОЛЛАРИ

*Мустофаев Муроджон Олтибоевич
Мустақил тадқиқотчи
Телефон: +998(94) 540 04 40
murodlawyer@gmail.com*

Аннотация: Ушбу мақолада Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши доирасида олиб бораётган ҳамкорлиги, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёев томонидан ташкилот доирасида илгари сурилган муҳим ташаббуслар ва таклифлар атрофлича ёритилган. Шунингдек, Туркий Кенгашга аъзо давлатлар билан алоқаларни ривожлантириш бўйича истиқболли йўналишлар кўрсатиб ўтилган.

Калит сўзлар: Туркий Кенгаш, ташқи сиёсат, дипломатия, ташабbus, пандемия, истиқболли йўналишлар, меморандум, халқаро ташкилотлар, ратификация.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги йилларда Ўзбекистоннинг Ташқи сиёсатида бир қатор туб ўзгаришлар рўй берди. Мамлакатимизнинг қўшни ҳамда хорижий давлатлар билан икки томонлама муносабатлари янги даражага олиб чиқилиши билан бир қаторда, халқаро ташкилотлар доирасидаги нуфузи ҳам мустаҳкамланиб юксалиб бормоқда.

2019 йил 14 сентябрда Ўзбекистон Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгашини ташкил этиш тўғрисидаги Нахичеван битимини ратификация қилиб, яна битта янги халқаро ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлди. Ўзбекистоннинг Туркий тилли давлатлар ҳамкорлик кенгаши (Туркий Кенгаш)га аъзо бўлиб кириши республиканинг кўп томонлама дипломатия соҳасида муҳим ва тарихий қадам бўлиб ҳисобланади.

Туркий Кенгаш 2009 йил 3 октябрда Озарбайжоннинг Нахичеван шаҳрида бўлиб ўтган Озарбайжон, Қозоғистон, Қирғизистон ва Туркия давлатлари раҳбарларининг йиғилишида ташкил этилган. Венгрия 2018 йилдан бошлаб, ушбу Ташкилотда кузатувчи давлат ҳисобланади. Ташкилотнинг асосий мақсади тарих, маданият, тил ва бошқа ўзаро яқин бўлган анъаналарнинг умумийлиги асосида туркий тилли давлатлар ўртасида барча йўналишларда ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан иборат.

Ўзбекистон Туркий Кенгашга аъзо бўлишининг дастлабки кунлариданоқ Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан Ташкилот доирасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш ва янги босқичга олиб чиқиш бўйича бир қатор таклиф ва ташаббуслар илгари сурилди.

Жумладан, 2019 йил 15 октябрда Бокуда бўлиб ўтган Туркий Кенгашга аъзо давлатлар раҳбарларининг 7-Саммитида Юргашимиз технопарклар, инновацион стартап компаниилар ва венчур фондлар ташкил этиш, шунингдек, қўшма инвестицион фонд ва туркий тилли давлатларда савдо уйларини очиш бўйича таклифларни илгари сурди.

Ўзбекистон Республикасининг юқоридаги ташаббусларини амалга ошириш бўйича Туркий Кенгашга аъзо давлатларнинг мутасадди вазирлик ва идоралари раҳбарлари ва мутахассислари ўртасида мунтазам равишда бир қатор музокаралар ва учрашувлар ўтказилмоқда.

Бугунги кунда бутун дунё соғлиқни сақлаш тизимини ларзага солиб, давлатлар иқтисодиётiga катта миқдорда заарар етказаётган COVID-19 пандемияси Туркий Кенгашга аъзо давлатларни ҳам четлаб ўтмади. Бошқача қилиб айтганда, юзага келган эпидемиологик вазият Туркий Кенгашга аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг мустаҳкамлигини яна бир бор синовдан ўтказди.

Халқаро ташкилотлар орасида биричилардан бўлиб ушбу глобал таҳдиднинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш бўйича, жорий йилнинг 10 апрель куни Туркий Кенгашга аъзо давлат раҳбарларининг видеоконференция шаклида «COVID-19



пандемиясига қарши курашда ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик» мавзусида навбатдан ташқари йиғилиши ўтказилди. Ушбу олий даражали тадбирда Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти (ЖСТ) Бош директори Т.А.Гебрейесус ҳам иштирок этганилиги ва Туркий Кенгаш доирасида ушбу тадбирнинг пандемия билан курашишда катта аҳамиятга эга эканлигини алоҳида таъкидлади.

Ушбу тадбир давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан пандемияга қарши курашишда илгари сурилган ташаббуслар натижасида Туркий Кенгашга аъзо давлатлар соғлиқни сақлаш муассасалари ўртасида ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда коронавирусни даволашда тажриба алмашиш мақсадида Ташкилот доирасида пандемияга қарши кураш бўйича Мувофиқлаштирувчи қўмита тузилди.

Шунингдек, Ўзбекистон ташаббуси билан 2020 йил 11 сентябрь куни Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти ва Туркий Кенгаш ўртасида ҳамкорлик тўғрисидаги англашув меморандумининг имзоланиши соғлиқни сақлаш соҳасида Туркий Кенгаш ҳамда жаҳон ҳамжамияти билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришда муҳим қадам бўлди.

Бундан ташқари, республикада инвестициялар, туризм, божхона, қишлоқ хўжалиги ва бошқа соҳаларда ҳамкорлик ривожланмоқда. Туркий Кенгашга аъзо давлатларнинг жалб қилинган вазирлик

ва идоралари раҳбарлари ҳамда мутахассислари иштирокидаги қатор тадбирлар ўзаро алоқалар жадал ривожланиб бораётганидан далолат беради. 2019 йил 5 октябрда Тошкентда туркий тилли давлатлар Ишбилармонлар кенгашининг йиғилиши ҳамда Инвестиция форуми бўлиб ўтди. Тадбирларда Туркий Кенгашга аъзо давлатларнинг ишбилармон доираларининг 300 га яқин вакили иштирок этди.

Мазкур тадбирнинг мамлакатимизда ўтказилиши юртимизда тадбиркорлик ва кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш соҳасида олиб борилаётган ислоҳотларнинг бевосита мантиқий давоми ҳисобланади.

Бундан ташқари, алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Туркий Кенгаш шафелигига фаолият қўрсатувчи Халқаро Туркий Маданият Ташкилоти (ТУРКСОЙ), Туркий тилли давлатлар Парламент Ассамблеяси (ТУРКПА) ва Халқаро Туркий Академия (ХТА) билан ҳамкорлик алоқаларини ҳам олиб бормоқда.

Хусусан, 2020 йилда «Хива - туркий маданият пойтахти» деб эълон қилинди ва ТУРКСОЙ билан ҳамкорликда бир қатор халқаро маданий тадбирларни ўтказиш режалаштирилган.

Қонунчиликни ривожлантириш ва парламентлараро алоқаларни кенгайтириш мақсадида 2019 йил 17-декабрь куни Боку шаҳрида бўлиб ўтган ТуркПАНИНГ тўққизинчи ялпи мажлисида Ўзбекистон Олий Мажлиси Сенати Раиси Т.Нарбоеванинг иштирок этгани туркий тилли давлатлар билан барча соҳаларда алоқаларнинг ривожланиб бораётганидан далолат беради.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг Туркий Кенгаш доирасидаги ҳамкорлигини қуйидаги йўналишларда истиқболли деб ҳисоблашимиз мумкин:

Биричидан, маданий-гуманитар ва соғлиқни сақлаш соҳасидаги ҳамкорлик – Ташкилотга аъзо давлатлар ўрасидаги тил ва маданият жиҳатдан яқинлиқ, халқлар ўртасидаги ўзаро қардошлиқ алоқалари бу соҳадаги ҳамкорликнинг ривожланиши учун замин ҳозирлайди. Пандемия сабабли юзага келган вазият ва унинг оқибатларига қарши курашишда Ташкилот доирасида соғлиқни сақлаш соҳасида эришилган келишувлар ва ишлаб чиқилган механизmlар

бу соҳада ҳамкорликнинг самарадорлигини таъминлашга хизмат қиласи.

Иккинчидан, транспорт соҳасидаги ҳамкорлик - Туркий Кенгашга аъзо давлатларнинг барчasi транспорт соҳасида ўзига хос транзит потенциалига эга давлатлар ҳисобланади. Ушбу соҳада ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш Ўзбекистоннинг халқаро юкларни ташишда транзит ва транспорт коридори сифатида салоҳиятини ошириб, ишлаб чиқарилаётган миллий маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш ва янги бозорларни очишда муҳим роль ўйнайди.

Учинчидан, инвестиция ва савдо соҳасида ҳамкорлик – Ташкилотга аъзо давлатларнинг географик жиҳатдан ўзаро яқинлигини инобатга олиб, истиқболли лойиҳаларга инвестициялар киритиш, ўзаро савдо алоқаларини ривожлантиришга кўмак берувчи механизmlарни ишлаб чиқиши.



Баён қилинган маълумотларга асосланиб, бугунги қунда Туркий Кенгаш доирасида олиб борилаётган ўзаро хамкорлик келгусида Ўзбекистоннинг кўптомонлама дипломатия соҳасида энг фаол йўналишлардан бири бўлиб қолади.

Фойдаланилган манбалар рўйхати:

1. <https://lex.uz/ru/docs/4512282>;
2. <https://uza.uz>;
3. <http://uza.uz/uz/posts/khiva-2020-yilda-turk-dunyesi-madaniyati-poytakhti-04-12-2019>;
4. <http://www.xs.uz/uzkr/post/mirziyoev-turkij-tilli-davlatlar-hamkorlik-kengashining-nabatdan-tashqari-sammitida-ishtirok-etadi>;
5. <https://mintrans.uz/uz/news/turkiy-kengashga-a-zo-davlatlar-transport-vazirlari-videookonferensiya-shaklida-yig-ilish-o-tkazdi>;
6. https://azertag.az/ru/xeber/Predsedatel_Senata_Olii_Mazhlisa_Uzbekistana_pribyla_v_Azerbaidzhan.

**"ЎЗБЕКИСТОНДА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТАДҚИҚОТЛАР"
МАВЗУСИДАГИ РЕСПУБЛИКА 22-КҮП ТАРМОҚЛИ
ИЛМИЙ МАСОФАВИЙ ОНЛАЙН КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ**

(5-қисм)

Масъул мухаррир: Файзиев Шохруд Фармонович
Мусаҳҳих: Файзиев Фарруҳ Фармонович
Саҳифаловчи: Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 30.11.2020

Контакт редакций научных журналов. tadqiqot.uz
ООО Tadqiqot, город Ташкент,
улица Амира Темура пр.1, дом-2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of tadqiqot.uz
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,
Amir Temur Street pr.1, House 2.
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: info@tadqiqot.uz
Phone: (+998-94) 404-0000